

## Жинлар инсонлардан олдин яратилгандир



13:15 / 29.09.2019 3968

Аллоҳ таоло Ҳижр сурасида марҳамат қилади:

**«Ва жинларни бундан олдин самум оловидан яратдик»** (27-оят).

Жинлардан мурод, уларнинг асли Иблисдир. Одам алайҳиссалом инсонларнинг асли бўлгани каби, Иблис алайҳилаъна ҳам жин ва шайтонларнинг аслидир.

«**Самум**» сўзи луғатда олов каби иссиқ шамолни англатади. Шунингдек, жаҳаннам иссиғи ҳам самум дейилади. Иблиснинг асли ана шундай нарсадандир. Мана шу ерда жинларнинг одамлардан олдин яратилгани қайд этилмоқда.

Жинлардан насл қолади, уларнинг зурриёти бор. Аллоҳ таоло Каҳф сурасида марҳамат қилади:

**«Фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар», деганимизни эсла. Бас, сажда қилдилар. Иблис мустасно. У жиндан бўлган эди. У ўз Роббининг амридан чиқди. Энди сизлар Мени қўйиб, уни ва унинг зурриётларини дўст қилиб оласизларми?! Ҳолбуки, улар сизларга душман-ку! У золимлар учун нақадар ёмон бадалдир» (50-оят).**

Бу ояти каримада Иблис жиндан бўлгани ва унинг зурриётлари борлиги зикр қилинмоқда.

Жинлар бизни кўрадилар, биз уларни кўрмаймиз. Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

**«Эй Одам болалари! Шайтон ота-онангизни авратларини ўзларига кўрсатиш учун устиларидан либосларини ечиб, жаннатдан чиқарганидек, сизни ҳам фитнага солмасин. Албатта, у ва унинг тўдаси сизни сиз кўрмайдиган томондан кўради. Биз, албатта, шайтонларни иймон келтирмайдиганларга дўст қилганмиз» (27-оят).**

Демак, жиннинг имкониятлари инсонникига нисбатан кўпроқ. Инсон шайтонни кўрмайди, аммо у инсонни кўради. Бу эса ўз навбатида, унга қўшимча имконият беради, инсондан эса қўшимча хушёрлик талаб қилинади. Чунки очиқ-ойдин душман бўлган шайтоннинг ёмонлигидан доимо эҳтиёт бўлиб туриш керак. Бунинг учун кучли иймон ва соф эътиқод зарур.

***«Фолбинлик, сеҳргарлик, жин чиқариш ва ноанъанавий даволаш каби ишларнинг бор ҳақиқати» китобидан***